Tadqiqot uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

№21
31 октябрь

conferences.uz

"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 21-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ
4-ҚИСМ

МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ 21-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-4

MATERIALS OF THE REPUBLICAN 21-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-4

ТОШКЕНТ-2020

УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 21-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 октябрь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 15 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фарғона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

8.Адабиёт
PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт
Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш
Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари
Доцент Сохадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари
Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар
Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси
© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

1. Эргашева Зуҳра
СИЁСИЙ НУТҚ ВА УНИНГ СИЁСИЙ КОММУНИКАЦИЯДА ТУТГАН ЎРНИ 7
2. Фаррух Рустамов Рустам ўғли
ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЗИДДИЯТЛАРИ. БЎШ ВАҚТ МУАММОЛАРИ.....11

СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

СИЁСИЙ НУТҚ ВА УНИНГ СИЁСИЙ КОММУНИКАЦИЯДА ТУТГАН ЎРНИ

Эргашева Зуҳра,
ЎзЖОКУ Ахборот хизматлари технологиялари мутахассислиги 1-курс магистранти
zuhra.ergasheva@inbox.ru
+998909009210

Аннотация: давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни ўрнатишда сиёсатчиларнинг коммуникацияга кириша олиш қобилияти жуда муҳим. Айниқса, бугунги ривожланган медиа оламда ахборот алмашувининг ўта тезкорлиги сиёсатчилар олдига яна кўплаб вазифаларни қўймоқда. Мақола сиёсий нутқ, унинг пайдо бўлиш босқичлари, ҳозирга келиб сўз сиёсатини олиб борувчи соҳа вакиллари яъни спичрайтерлар ҳақида. Мақолада спичрайтерлик фаолияти, унинг ривожланиши, шаклланиши ва сиёсий менежментга таъсири ҳақида сўз боради. Шунингдек, дунё миқёсида спичрайтерларнинг сиёсий майдонда тутган аҳамияти ҳақида ҳам маълумотга эга бўлиш мумкин.

Калит сўзлар: сиёсий лидер, спичрайтер,логограф, оммавий нутқ, визуал қиёфа, коммуникация, сиёсатчи имижи, менежмент, демократия

Биз инсонлараро ахборот алмашинуви кундан-кун тезлашиб бораётган, жадал ривожланаётган замонда яшаяпмиз. Бугунги тезкор технологик жараёнлар ўзаро коммуникация ва ахборот олишнинг бир неча қулайликларини яратиб бераётган экан, айни тараққиёт ахборот бошқарувининг қийинлашуви масаласини ҳам кўндаланг қўяётганини тан олмай иложимиз йўқ. Олимларининг аниқлашича, ҳозирги шароитда ҳар қандай давлатнинг кучи ва таъсири унинг ахборот маконидаги ўрни билан ўлчанади[1]. Зеро, ахборот оқимини бошқариш жамиятнинг тартибли равишда яшашига таъсир кўрсатиб туради. Фуқаролик жамияти шароитида давлат билан халқ ўртасидаги узвий ўзаро алоқалардавлатнинг ўз функцияларини бажара олишига имкониятлар яратади. Ўзбекистонда амал қилаётган "халқ манфаати ҳамма нарсадан устун" принципи давлат сиёсатининг демократик моҳиятини очиб беради.

Давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар асосан сўз, шунингдек нутқ ирод этиш воситасида кечади. Шунинг учун ҳам инсонлараро сўзлашув ва етакчилар нутқлари халқнинг манфаатларини турфалашиб бориши ва унинг кайфиятига монанд равишда ўзгариб боради.Сўз инсон моҳиятини англатувчи восита сифатида юксак куч ва қудратга эгадир. Қадим замонлардан бошлаб сўзнинг мазмун-моҳиятини англаш ва уни ўз ўрнида ишлатиш, фикрни тўғри ифода этиш буюк санъаткорлик сифатида қабул қилинган. Тил нафақат жамият, балки давлат сиёсатининг асосий элементи бўлиб, тил ва сиёсат ўртасида умумий ўзига хос ўзаро боғлиқлар мавжуд. Жамиятни турли ахборотлардан хабардор қилиш ва жамоатчилик фикрини шакллантиришда тил асосий ролни ўйнайди.

Тилшуносларнинг тилнинг сиёсийжиҳатларига қизиқиши табиий бир ҳолдир, чунки айнан шу тилнинг сиёсий жиҳатлари инсоний муносабатларни мувофиқлаштиришнинг муҳим ва асосий омилидир. Сиёсий лидернинг ҳар бир сўзи мамлакат фуқароларининг манфаатлари, эҳтиёжлари ва ички кечинмаларини ифодалайди. Шунинг учун сиёсий муносабатлар тилда ифода этилаётган фикрлар таъсири остида кечади,бу муносабатлар ин-

[1] Алимов Б.С.Медиа маконда миллий манфаатлар. - Т.:Таълим медиа,2019.28-б.

сониятнинг тил бойлигидан озиқланади[1].

Рус олимаси Л.В. Минаева сиёсатчи имижи ҳақида қуйидаги фикрни билдиради: "Сиёсий лидер ҳаётининг ўта бандлиги ва баъзи ҳолларда нутқ сўзлашга тайёр эмаслиги учун унинг нутқини бошқалар томогнидан тайёрланишига эҳтиёж сезади. Бундай вазиятда унга кўплаб экспертлар ва спичрайтерлар, яъни, ижтимоий нутқлар тайёрловчи мутахассисларга эҳтиёж сезади. Айнан спичрайтерлар биринчи навбатда сиёсий лидернинг вербал имижини яратади"[2].

Нотиқнинг аудитория олдида оммавий чиқиш қилиш учун ёзиладиган нутқи матнини тайёрлаш муҳим жараён ҳисобланади.Сиёсий спичрайтинг (speechwriting- *инг.* нутқ ёзувчи) – сиёсатчи ёки давлат хизматчисининг тингловчилар олдида чиқишлари учун матнларни тайёрлаш, ёзиш билан шуғулланадиган касб-корни англатади. Рус филолог олими А.Д. Кривоносов спичрайтерлик фаолиятини оммавий нутқни яратиш ва унинг ижроси бўйича консталтинг хизмати кўрсатувчи фаолиятини олиб борувчи, деган фикрни билдиради. Яна бир рус тадқиқотчиси Федорченконинг фикрига кўра, сиёсий спичрайтернинг асосий мақсади сиёсатчи айтмоқчи бўлган фикр ва мақсадларни электорат учун жуда ҳам қизиқарли тарзда етказиб беришдан иборатдир[3]. Сиёсий лидернинг нутқи узоқ вақт одамлар эсида сақланиши ва уларда чуқур таассурот қолдира олиши лозим. Одамлар кўпинча ўз хаёллари, ўй-ташвишлари билан банд бўлиб юради. Шу боисдан улар қизиқарсиз нутқларни шунчаки ташқи томондан келаётган шовқин тарзида қабул қилишлари мумкин. Сиёсатчи ўз нутқида аудиторияни қизиқтира олиш, ўзига жалб қилишқобилияти билан халқ ичида танила олади.

Тадқиқотчилар фикрига биноан сиёсий спичрайтерлик антик даврдаёқ санъат даражасига кўтарилган, бу давардаги анъаналар ҳозиргача яшамоқда, ва ўзини намоён қилмоқда. Дарҳақиқат, аҳолини йўналтириш, ишонтириш, тушунтириш каби функцияларни бажарадиган нутқлар тайёрлайдиган спичрайтер ўтмишдан қолган меросдан озиқланган ҳолда ижод қилади. Шу билан бирга, тарихда яна бир фаолият тури мавжуд бўлганки, у ҳозирги давр спичрайтерлари функциялари ўхшаш вазифаларни бажаради.

Қадимги Юнон фуқароларининг барчасида ҳамяхши нутқ ирод қилишга доир етарли билим ва кўникмаларга эга бўлмаган. Бу каби замонавий спичрайтерлик фаолиятига прототип касб – бу логографлик (юнон. Logos-сўз, grapho-ёзаман) касби ҳисобланади. Бу касб-кор вакиллари суд жараёнларида маъруза қилувчилар учун махсус нутқ тайёрла билан шуғулланади. Ўз олдига "мижоз" муаммосини кўндаланг қўйган логограф буюртмачинотиқнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб, пул ишлаш эвазига нутқ ёзиб бериш иши билан шуғулланган. "Мижоз" эса у ёзиб берган бу нутқни ёдлаб, бу нутқни суд жараёнида ирод этган[4].

Кўриниб турибдики, нутқ инсон имкониятларининг ижтимоий ва табиий маҳсули сифатида ўз эгасини имижини яратади, унга аҳамият бағишлайди. Сиёсий жараёнмуайян бир ахборот маконида амалга оширилиши сабабли ҳам у сиёсий алоқаларнинг энг муҳим воситаларидан бирига айланди. Айниқса, сиёсий етакчининг ижобий визуал қиёфасини яратишда нутқнинг ўрни бениҳоя каттадир. Барча сиёсий етакчилар ўз вазифаси ва фаолиятини амалга ошириш тақозоси билан минглаб инсонлар билан ўзаро мулоқотда бўлади. У хоҳ мажлис бўлсин, хоҳ телевизион кўрсатувлардаги интервью бўлсин, барибир – жамиятдаги инсоний ўзаро мулоқотларнинг намоён бўлишини ўзида ифодалайди.

Рус олими Андрей Колесников спичрайтерлик фаолиятига таъриф берар экан, уларни "кўринмас фронтнинг курашчилари", деб атайди. Дарҳақиқат, сиёсий нутқлар ёзувчилар парда ортидаги буюк инсонлардир, шунингдек улар дунёни ўзгартирувчи касб-кор эгаларидир. Шунингдек,нотиқликни санъан даражасига кўтариш доимий равишда ривожланиш, такомиллашишни тақозо этади Америкалик сиёсатчи Томас Дьюн "Мамлакатни Президентга нутқ ёзувчи одам бошқаради" деганида минг карра ҳақ эди. Кўриниб турибдики,

[1] Chilton P.,Schaffner C.(eds.). Politics as Text and Talk- Analytical Approaches to Political Discourse. John Benjamins Publishing Company,Amsterdam,2002.P.3-4.

[2] Минаева Л.В.Речь в мире политике.- М.:Аспект Пресс,2019.С-4.

[3] ФедорченкоЛ.В. Спичрайтинг как форма политического консталтинга в современной России. Вестник МГОУ. Серия «История и политические науки». № 2 / 2012.

[4] Минаева Л.В.Речь в мире политике. - М.: Аспект Пресс,2019. С-41.

нтиқлар ҳар қандай замонларда ҳам аҳамият касб этувчи шахслар сифатида намоён бўлган.

Сиёсий етакчи ўзининг таъсирчан ва билимга асосланган нутқи билан нафақат ўзининг имижини шакллантиради, балки у ўз партияси, ўз муҳлисларига хизмат қилади, ўз мамлакати имижини кўтаришга ҳисса қўшади. Демак, спичрайтернинг асосий вазифаси - тингловчиларда нутқ матни уни ирод этувчига нисбатан шубҳа уйғотмаслигидадир[1]. Нутқни сиёсий етакчи тилига мослаб моҳирона ёза олиш спичрайтер касбининг муҳим аҳамият касб этишига далилдир. Спичрайтер бironта етакчига нутқ ёзиб беришдани аввал бу етакчининг фикрлаш ва сўзлаш услубини ва тили хусмусиятларини чуқур ўрганиб чиқиши талаб этилади. Бу жараёндаги барча кичик тафсилотларни ҳам ўз назаридани қочирмаслиги лозим.

Собиқ АҚШ президенти Рональд Рейганнинг спичрайтери Пегги Нунан спичрайтерликнинг машаққатли иш эканлигига доир қуйидаги фикрни билдирган эди: "Нутқ сўловчиларнинг қандай сўзлардан кўпроқ фойдаланишини, уларни қай тарзда намоён қилишини кузатиш талаб этилади. Бунда шуни билиш лозимки, бу нотиқлар қанддай фикрлайди: очиқми ёки мулоҳозалими, умумлаштириб сўзлайдими, ёки музокараларга берилганми? Баъзи одамларнинг фикрлаши мантиқий изчиллик асосида кечади, яна баъзилари эса ички ҳислар таъсирида ҳеч ким кутмаган, шунингдек ҳаётий қизиқ милоллар воситасида фикрлашни хуш кўради. Баъзи интеллектуал зиёлилар аудиторияга қувноқлик бахш этади, баъзилари эса жиддий бўлишни ҳуш кўради. Шундай тоифадаги "нотиқ"лар ҳам борки, улар муайян бир ғоя ёки муаммо ечими ҳақида тўхтовсиз равишда сўзлаши, аудиторияни ўзига қаратиши, интерактивликка берилиши, шу йўл билан муҳокама қилинаётган мавзунининг долзарблигини ва аҳамиятини осон йўл билан аудиторияга етказиши мумкин, яна баъзилар эса аксинча, қисқа маълумотлар бериш билан чекланади, бу ҳолат аудиторияда жимлик ҳукм суришига олиб келади"[2].

Сиёсий соҳа спичрайтери нутқ имижини шакллантиришда учта муҳим жиҳатга эътибор бериши лозим:

1. Нутқ сўзловчи шахснинг сиёсий ҳамда индивидуал жиҳатларини сақлаб қолишга ёрдамлашиш. Ҳозирги давр аудиториясинингтурли, илгаридан қолипларга солинган сўзларни ҳам хуш кўришини ҳам эътиборга олишимиз лозим. Шунинг учун ҳам нотиқнинг индивидуаллиги – ўзига хос қизиқтирувчи жиҳатларини намоён қилиши муҳим аҳмиятга эгадир. Спичрайтернинг асосий вазифаси нутқ ирод қилувчи етакчининг ўзига хос инсоний ва индивидуал хусусиятлари ва фазилатларини эътиборга олиши, уларни иложи борича ёзаётган нутқ матнида ифодалаши лозим.

2. Нутқ сўзловчи шахснинг нутқини матн воситаси ва таъсирида "ишлов бериш" воситасида такомиллаштириш. Ҳар қандай инсонга равон нутқ ирод этиш қобилияти берилмаган. Бу каби хислатникимгадир табиат инъом этилган, кимгадир яхши нутқ сўзлаш узоқ йиллар машқ қилиш натижаси ўлароқнасиб этади. Яна кимнидир чиройли нутқ сўзлашига физиологик омиллар, масалан ҳис-ҳаяжон халақит бераётган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам спичрайтер кимнинг нутқини ёзаётган бўлса, унинг ўз нутқида ишлатадиган иборалари, талаффузи, овози тембри, виртаул хатти-ҳаракатлари каби бетакрор ва ўзига хос жиҳатларини инобатга олиши, матнда уларни ифодалашга ҳаракат қилиши лозим. Аудитория нутқни қабул қилиши давомида ўзини енгил ҳис этиши учун нотиқнинг талаффузининг қандай бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Спичрайтер "ҳаттоки нотиқнинг нафасинингмаромини қадай кечишини ҳам инобатга олиши лозим. Зеро, матнни силлиқ ва текис бўлиши нотиқнинг талаффузига мос бўлиши, яъни унда зўриқиш бўлмаслиги, нутқ жараёнида нафас олишга қийналмаслиги лозим. Нафас олиш мароми нутқнинг моҳияти, шунингдек, унинг энг муҳим жиҳатларига урғу беришдаҳамоҳанг бўлиши лозим"[3]. Айтайлик, бирон-бир сўз қурилиши узун сўзлар ишлатиладиган бўлса,ижро жараёнида анча қийинчиликлар туғилиши турган гап.Нутқда иложи борича узун жумлаларни қисқартириш, ёки паузаларни кўпайтириш нотиқ учун бирмунча қулапйликлар туғдиради.

---

[1] Минаева Л.В.Речь в мире политике. - М.:Аспект Пресс,2019.С-180.

[2] Noonan P. On Speaking Well: How to Give a Speech with Style,Substance, and Clarity.N.Y.:Harper Collins Publisher/ReganBooks,1998.P.101-102.

[3] Илъин А.Л.,Кадацкий В.Ф.,Никифоров К.В., Пихоя Л.Г. Указ. Соч. С.130

3. Сиёсий нотиқнинг кучли томонларини аниқлаш ва унинг кучли томонларини янада бўрттириш, нотиқнингш ўзини тутиши ва бошқа ижобий томонларини кўрсата олиш, сўз бойликларини янада ривожлантириш, янги ғоя ва сўзларбилан матнни бойитиш - бу соҳадаги ижодий ўсиш шартидир.

Хулоса қилиб айтганда, кучли ва салоҳиятли спичрайтер даражасига кўтарилиш учун ижтимоий-сиёсий онг ва дунёқарашни такомиллаштириш тақозр этилади. Демак, спичрайтер ўз изланишларида сиёсатшунослик, тарих, адабиёт, психология каби фанларни ўзлаштириб бориши, сиёсий кўникмаларини ривожлантириб бориши даркор. Сиёсий ёки ижтимоий нутқлар ўзининг тузилишига қараб кириш, асосий қисм ва якунловчи қисмларга бўлинади. Кириш қисмида нотиқ ва аудитория ўртасида кўприк –ўзаро алоқа ўрнатилади, шу восита ёрдамида икки томонлама манфаатли кайфият шаклланади. Маълумки, кўпчилик одамлар онгида бошқалар билан ўзаро дахлдорлик ҳисси кучли бўлиб, улар ўртасида муҳокама қилинадиган мавзуга нисбатан умумий дахлдорлик мавжуд бўлса таҳлилларсамарали ва қизғин кечади. Нотиқлар аудиторияни ўзига жалб қилишда ана шу муносабатлардан унумли фойдаланишлари лозим. Тингловчилар билан дастлабки саломлашиш, уларга мурожаат қилишда қисқа сўз бирикмаларидан тузиладиган ахлоқ қоидалариэътироф этилган. Улар одатда “Қадрли дўстлар!”, “Азиз ҳамюртлар!” ёки рус тилидаги “Дамы и господа!”, “Уважаемые коллеги!”, инглизча “Ladies and Gentelmen”” каби мурожаатлар билан бошланади. Бу каби сўзларни нутқ давомида айнан ёки озгина ўзгартирилган тарзда қайта такрорлаш мумкин. Бу ҳолат матннинг таъсирчанлигини янада оширади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алимов Б.С.Медиа маконда миллий манфаатлар. - Т.:Таълим медиа,2019.28-б.
2. Chilton P.,Schaffner C.(eds.). Politics as Text and Talk- Analytical Approaches to Political Discourse. John Benjamins Publishing Company,Amsterdam,2002.P.3-4.
3. Минаева Л.В.Речь в мире политике.- М.:Аспект Пресс,2019.С-4.

ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЗИДДИЯТЛАРИ. БЎШ ВАҚТ МУАММОЛАРИ.

Фаррух Рустамов Рустам ўғли
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
Бухоро филиали ўқитувчиси
Телефон: +99891 975-97-97
farruxrustamov7@gmail.com

Аннотация: Ҳар қандай даврда ҳам инсон ўз меҳнат фаолиятини яхшилаш мақсадида ўзининг бўш вақтини тўғри ташкил қилишга, бу жараёнда маданий-маърифий эҳтиёжлардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилади. Инсонларнинг бўш вақтни тўғри ташкил қилишда, маданий эҳтиёжлардан фойдаланишга, уни шахс фаолиятининг давоми сифатида шаклланишида айрим муаммолар учраб туради. Ушбу мақолада инсоннинг ижтимоий ҳаётида иш вақти ва бўш вақт ўртасидаги тафовутлар тавсифланади.
Калит сўзлар: Бўш вақт, иш вақти, феномннология, эркинлик, меҳнат, жамият, шахс.

Annotation: In any period, a person tries to organize his leisure time in order to improve his work, to use cultural and educational needs wisely in the process. There are some problems in the proper organization of leisure time, the use of cultural needs, and the formation of it as a continuation of personal activity. This article describes the differences between working time and leisure time in a person's social life.
Key words: leisure, working time, phenomenology, freedom, labor, society, person.

Аннотация: В любой период человек старается организовать своё свободное время так, чтобы улучшить свою трудовую деятельность , разумно использовать в этом процессе культурно-воспитательные потребности. Есть некоторые проблемы в правильной организации свободного времени, использовании культурных потребностей, формировании их как продолжения личной деятельности. В этой статье описывается разница между рабочим и свободным временем в социальной жизни человека.
Ключевые слова: Свободное время, рабочее время,феноменология, свобода, труд, общество, личность.

Бугунги кунда мамлакатимизда шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун кенг шароитлар муҳайё қилинмоқда. Бу бўш вақт билан боғлиқ муаммоларни ҳар томонлама ҳал қилишни ҳам тақозо қилади. Инсон ҳаётининг ижтимоий асосларини ўрганиш, албатта, муқаррар равишда бўш ва иш вақти ўртасидаги фарқни ўрганиш билан бевосита боғлиқ. Социология фанининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳам шунда намоён бўлади. Таҳлил қилиш методологиясини ишлаб чиқишда социологлар кўпинча Эмил Гуссерлнинг феноменологик фалсафасига мурожаат қилишади. Феноменологиянинг асосий тоифаси вақт ва вақтнинг ички ва ташқи вақт ўртасидаги тафовутларни тавсифловчи муҳим услубий позиция сифатида талқин қилинади. Бироқ ғайриоддий ҳодисадан - ният тушунчасидан келиб чиқади. Интизорлик - вақтнинг асосий белгиси, одам онгининг ўзгарувчан кўплаб тасвирларга қарамай йўналтирилган, яхлит ва бирлаштирилганлигини, шунингдек, онгни ҳам ички, ҳам шахсга, ҳам ташқи дунёга йўналтириш мумкинлигини англатади. Феноменология учун онгнинг тўлақонли ҳаётига хос хусусият, боланинг онгли равишда ривожланиб бораётган онгидан фарқли ўлароқ, кекса одамнинг ҳалокатли онги, ҳеч нарсага эътибор беролмайдиган, хотираси суст ва ҳоказолар билан белгиланади. Бошқача айтганда, ният - бу ўз-ўзини ташкил қилиш қобилиятидир. Феноменологияда ўз-ўзини ташкил этиш ички вақт билан боғлиқ. Албатта, вақт ҳаёт бирлигининг махсус шакли деб аталади.

Ички ва ташқи вақт ўртасидаги фарқ ҳаётнинг чексиз кўп шакллари мавжудлигини таъкидлайди. Ҳар бир аниқ шакл ўзига хос ички вақт билан тавсифланади. Тарихчилар қадимги маданиятларда воқеаларнинг ягона хронологиясини ўрнатиш қийинчиликларига дуч келмоқдалар. Уларнинг мавжудлиги маҳаллий бўлиб, ҳар бир маданиятнинг ҳисоб-

китоб қилиш ғояси шаклланишига олиб келди. Жисмоний ёки астрономик вақтнинг ўрнини маданий тадбирлар ва индивидуал тажрибалар билан боғлиқ вақт ғояси эгаллади. Қадимги мисрликлар вақтни фиръавнлар ҳукмронлиги билан ўлчаганлар; Юнонлар - Олимпия ўйинлари; қадимги скандинавияликлар уни ўликларни ёқиш билан боғлиқ «кремация даври» га ва ўликларни кабрларга кўмганда «тепалар даври» га бўлишган. Худди шу тақдир инсон учун ташқи бўш вақтнинг пайдо бўлиши билан бошланган меҳнат даври билан боғлиқ.

Меҳнат тақсимотининг ижтимоий шаклларининг эволюцияси, хусусан, агрардан саноат цивилизациясига ўтиш, Жан-Жак Руссо томонидан илгари сурилган якка деҳқон деҳқончилик асосларини бузибгина қолмай, балки меҳнатнинг идеалини шубҳа остига қўйди. Меҳнат ижтимоий зарур ва ижтимоий жиҳатдан тартибга солинадиган, яъни инсон учун ташқи характерга эга бўлишни бошлади. Аммо ишдан бўш вақт маълум одамларнинг индивидуал вақти бўлиб қолаверди. Шу билан бирга жамият, ижтимоий ишлаб чиқариш томонидан таъминланган. Демак, бўш вақт доирасидаги ижтимоий ва психологик ноқулайликларнинг консентрацияси, унга ижтимоий берилган ҳар бир шахснинг ўз тажрибаси билан боғлиқ.

Замонавий шароитда янги ижтимоий воқеликлар билан боғлиқ соҳаларнинг ривожланиши, меҳнат тақсимотининг сифат жиҳатидан янги муаммоларини келтириб чиқарадиган дунёдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ўзгариши, меҳнат бозорининг ҳолати ва ишлатилиши, меҳнат маданияти ҳар хил даражадаги мамлакатлар томонидан янги технологияларни ривожлантириш ва бошқалар. Техник янгиликларнинг ижтимоий оқибатлари меҳнат тақсимотининг янги турларига, меҳнат бозорининг мослашувчанлигини оширишга, янги иқтисодий ва ижтимоий шароитларда бандликни шакллантиришга олиб келади. Тўлиқ ёки қисман ишсизликнинг ўсиши психологик ноқулайлик ва ижтимоий беқарорликка олиб келади.

Захира ишчи армиясининг вужудга келиши саноатнинг тобора жадал ривожланиши шароитида вақтни бўшатишнинг табиий натижасидир. Аммо иш ва бўш иш вақтидан бўш вақт нафақат ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишининг натижаси, балки унинг зарурий шартидир. Бутун ижтимоий иқтисодиётни тезкор равишда қайта қуриш имконияти, капитални бир соҳадан иккинчисига оғриқсиз равишда тўлдириш, меҳнатни ташкил этишнинг эскирган ижтимоий ва ишлаб чиқариш шаклларини йўқ қилиш, бутун ижтимоий организмни мобил равишда ўзгартириш замонавий ижтимоий ишлаб чиқаришни нормал ривожланиши учун зарур шартдир.

Шу билан бирга, ҳаёт ритмларининг кескинлиги, шахснинг мақомини ўзгартириш доимий таҳдиди, ишдан маҳрум бўлиш эҳтимоли ва уни ўзгартириш зарурати, билимларни, ўзгаришларни доимий равишда янгилаш зарурати, касбий фазилатлар, жамиятда ишсизликнинг қисман (яширин, жорий, минтақавий ва бошқалар) мавжудлиги, ижтимоий нормалардан четга чиқиш, ижтимоий конформизмга олиб келади. Захира ижтимоий қарама-қаршиликларнинг кучайишида муҳим омил ҳисобланади. Бўш вақт доираси - бу инсоннинг жамиятдан озодлик соҳаси.

Инсоннинг жамият ҳаётига тайёргарлиги, тарихий ривожланган ишлаб чиқариш, маданий, сиёсий, психологик муносабатлар тизими, турли хил ҳаётий вазиятларни идрок этишда мезон ва меъёрларни шакллантириш, жамоат ҳаётининг тузилишига муттасил қўшилиш қобилияти - буларнинг ҳаммаси ҳамиша ҳам жамият томонидан бўш вақт соҳасига боғлиқ эмас.

Бўш вақт - бу ижтимоий зарурат бўлиб, у махсус ижтимоий муассасада бўш вақт соҳасининг ўзига хос меъёрларини шаклланишига олиб келади. Бўш вақтнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати унинг ҳаётий, иш вақтига боғлиқлигининг табиий натижасидир. Бу каби кўрсаткичлар иш кунининг давомийлиги, иш ҳафтаси, иш режимининг мослашувчанлиги, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида ижтимоий бандлик тузилмасининг мутаносиблиги ва бошқалар кўрсатади. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида бўш вақтнинг мазмуни ишлаб чиқариш жараёнларига таққослаш орқали аниқланди ва уларнинг давоми сифатида ҳаракат қилди. Инглиз социологи Генри Уайтхед эркинлик муаммоси биринчи навбатда ижтимоий институтларнинг пайдо бўлиши муносабати билан янги шаклда тан олинганлигини таъкидлади. Жамиятда эркинлик ва мажбурлашнинг уйғунлашиши ҳақидаги таълимот касб тушунчасига асосланади.

Ўзини ўзи бошқарадиган ижтимоий институтлар орқали одамларнинг касблари бўйича жамиятда шаклланиши айниқса ўрта аср гилдиялари ёки корпорацияларида яққол намоён бўлади. Бу эркинликнинг ўзига хос шакли - кучга эга бўлган, махсус мақсадлар доираси билан чекланган ва давлат ишларига бевосита аралашишни талаб қилмайдиган автоном ижтимоий институтнинг эркинлиги. Эркинлик умуман эркинлик эмас, балки алоҳида ижтимоий ҳамжамиятнинг махсус рухсатномаси, маълум бир фаолият соҳасида ўзини ўзи ташкил этиш учун қатлам сифатида тушунилган. Бу эркинлик ҳақида эмас, балки эркинлик - бу ёки бошқа профессионал гилдия корпорациясининг давлат томонидан берилади-ган имтиёзлари ҳақида эди.

Ўрта асрлар учун эркин устанинг имтиёзлари бўлган касблар аллақачон характерлидир. Касбий корпорациялар ўрта аср университетлари эди. Профессионал зиёлиларнинг университет корпорациялари ҳам эркинлик ва имтиёзларга эга эди. Ўрта асрларда университетлар турли функцияларни бажарадиган, кўп мақсадларга мос келадиган универсал, кўп қиррали, кенг қамровли бирлашма сифатида тушунилган.

Замонавий шароитда бўш вақтни кўпайтириш ва ишчиларни қисқартиришга қаратилган ижтимоий тенденция, мослашувчан профессионализмга бўлган эҳтиёж касбнинг ижтимоий мавқеини, унинг корпоратив табиатини ўзгартирмоқда. Касб шахснинг қисман, функционал таълимининг қадриятига айланади. Аммо касбий маҳорат, меҳнат фаолияти сифатида касбий фаолият жамият томонидан инсонга берилган эркинликларни белгилашда ҳамон устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Эркинлик ҳали ҳамон ижтимоий автоном институтдир.

Бўш вақтни институционал ташкил қилишда турли хил баҳолар мавжуд. Биринчидан, бу бўш вақт ҳаётнинг махсус ижтимоий соҳаси билан чекланганлиги билан боғлиқ. Иккинчидан, бўш вақтни маданий ташкил этиш шаклларининг умумий ижтимоий ташкилотга мобил боғлиқлиги тизими мавжуд бўлиб, бу бўш вақтни молиялаштириш хусусиятида намоён бўлади. Қадимги филантропдан маданият, фан ва таълим соҳасидаги давлат сиёсатига қадар ижтимоий назоратнинг турли шаклларини ривожлантиришда - молиявий, сиёсий, мафкуравий, ахлоқий, диний, психологик ва ҳоказоларни ривожлантиришда "ёш истеъдодлар", "ёш олимлар", "маърифий ташаббуслар" ва бошқалар учун турли хил фондларни яратиш, шу жумладан бўш вақт ва шоу-бизнес саноатини яратиш муҳим. Аммо ижтимоий институтнинг барча ўзига хос хусусиятлари - бўш вақт билан бирга, бўш вақтнинг ижтимоий шкаласини белгилаш долзарб бўлиб қолмоқда.

Шубҳасиз, бўш вақт билан боғлиқ бўлган истеъмол соҳаси инсон ҳаётининг маданий жиҳатидан олиб ташланиши мумкин эмас. Дам олиш маданияти нафақат мафкуравий истаклар билан, балки жамиятнинг моддий фаровонлиги даражаси билан ҳам белгиланади. Социология дам олиш даражасининг бундай кўрсаткичлари билан ишлайди:

- бадиий адабиёт ва ўқиган махсус адабиётлар миқдори, кинотеатрларга, театрларга, музейларга ташриф буюриш ва бошқалар. Йил, ой ва ҳоказолар учун;
- телевизор ва видео томоша қилиш частотаси, радио ва мусиқа ёзувларини тинглаш (яна маълум вақт давомида);
- севимли машғулотларга, паркда сайр қилиш, спорт, маиший муаммолар, оила, дўстлар, қаҳвахоналарда, барларда, дискотекаларда ўтказиладиган вақт;
- бундай тадбирларга бир кишининг, оиланинг ойлик, йиллик сармояси, шу жумладан таътил кунлари ва тегишли моддий харажатлар.

Бўш вақтдан фойдаланишнинг хилма-хиллиги жамиятнинг ижтимоий, демографик, касбий тузилиши ва минтақавий хусусиятлар билан ўзаро боғлиқлиги сизга турли хил ижтимоий ҳамжамиятлар томонидан бўш вақтдан оқилона фойдаланиш тизимини яратишга имкон беради. Маданий эҳтиёжнинг йўналишини, устувор соҳаларини, маданий ва ҳордиқ чиқариш хизматлари учун молиявий харажатларни аниқлашни, яъни бўш вақт доирасини махсус истеъмол саноатига айлантирадиган ўлчов тизимини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Замонавий цивилизациялашган жамият - бу истеъмолчилар жамияти. Истеъмолчилар жамияти тушунчаси замонавий цивилизациялашган одам маданий онгининг янги кўриниши - постмодернизм маданиятида кенг намоён бўлади. Маданий бойликлардан аҳолининг кенг қатламлари ва уларнинг кундалик ҳаётига кириб боришига кўмаклашиш янги маданий онгни шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Оддий уй-рўзғор буюмлари, ижтимоий муҳит хусусиятлари билан ажралиб туради. Маданият ажойиб ва етишиб бўлмайдиган нарса бўлиб қолмайди, фақат музей ва китобларда, консерт залларида ва

театрларда яшайди. Маданият инсонларнинг мулоқот ва тушуниш воситаларидан бирига айланади.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Рылеева, А. С. Организация культурно-досуговой деятельности населения России: учебное пособие. Курган: изд-во Курганского государственного университета, 2014. С. 13-14.

2. Батуева, Б. Б. Свободное время и культура досуга: теоретический аспект // Вестник Бурятского государственного университета. 2009. № 14. С. 268-271.

3. Крестьянов, В. П. Педагогика досуга: учебное пособие для студентов педагогических вузов и высших учебных заведений культуры. Орел: ОГУ, 2010. 156 с.

4. Кэндо Т. Досуг и популярная культура в динамике и развитии : реферативное изложение и пер. А. И. Кравченко // Личность. Культура. Общество. 2000. Т. 2. Вып. 1 (2). С. 283—308.

5. Личностно-ориентированная социология. Москва: Академический проект, 2004. С. 608.

"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 21-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

(4-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.10.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000